

## ТИЗИМЛИ СКЛЕРОДЕРМИЯ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА КАРДИОВАСКУЛЯР ХАВФ

Сайдова М.М., Ҳамроева Ю.С.,

Бухоро давлат тиббиёт институти.

### ✓ Резюме,

Тизимли склеродермия (ТСД) билан касалланган беморларда юрак-қон томир тизими (ЮҚТТ) касалликлари клиник кўринишларининг учраш даражаси ва хусусиятлари таҳдил қилинди. Тадқиқотда ТСД билан касалланган 35 дан 60 ёшгача бўлган 55 нафар бемор олинди. Беморларда ЮҚТТ касалликлари хавфини аниқлаша мақсадида SCORE шкаласи буйича таҳдил олиб борилди, шунингдек ЭКГ ва ЭхоКГ текшириши усуллари ўтказилди. Текширилганлар орасида ЮҚТТ касалликларининг юқори даражада учраши қайд қилинди. Шу билан бирга, субъектив шикоятлар нисбатан кам эди. ЭКГ маълумотларига кўра, ТСД билан касалланган bemорларнинг 74,5% да патологик белгилар, жумладан, 46,3% bemорларда ишемик ўзгаришлар мавжуд эканлиги аниқланди.

Калим сўзлар: тизимли склеродермия, юрак-қон томир касалликлари, ўтқир қон томир ҳодисалари, артериал гипертензия.

## СЕРДЕЧНО-СОСУДИСТЫЙ РИСК У ПАЦИЕНТОВ С СИСТЕМНОЙ СКЛЕРОДЕРМИЕЙ

Сайдова М.М., Ҳамроева Ю.С.,

Бухарский государственный медицинский институт.

### ✓ Резюме,

Проанализированы частота и особенности клинических проявлений заболеваний сердечно-сосудистой системы (ССС) у больных системной склеродермией (ССД). В исследование были включены 55 пациентов в возрасте от 35 до 60 лет, у которых был диагностирован ССД. Сердечно-сосудистый риск изучили с применением шкалы SCORE, а также были проведены инструментальные методы ЭКГ и ЭхоКГ. Среди обследованных отмечен высокий уровень сердечно-сосудистых заболеваний. Одновременно с этим, субъективные жалобы были относительно редки. По данным ЭКГ установлено, что у 74,5% больных с ССД отмечались патологические симптомы, в том числе ишемические изменения в 46,3% больных. Ключевые слова: системная склеродермия, сердечно-сосудистые заболевания, острые сосудистые явления, артериальная гипертензия.

## CARDIOVASCULAR RISK IN PATIENTS WITH SYSTEMIC SCLERODERMA

Saidova M.M., Hamroyeva Yu.S.,

Bukhara State Medical Institute.

### ✓ Resume,

The frequency and features of clinical manifestations of diseases of the cardiovascular system (CVS) in patients with systemic scleroderma (SSD) are analyzed. The study included 55 patients aged 35 to 60 years who were diagnosed with SSD. Cardiovascular risk was studied using the SCORE scale, as well as instrumental methods of ECG and Echocardiography. Among the surveyed, a high incidence of cardiovascular diseases was noted. However, subjective complaints were relatively rare. According to ECG data, 74.5% of patients with SSD had pathological symptoms, including ischemic changes in 46.3% of patients.

Key words: systemic scleroderma, cardiovascular diseases, acute vascular events, arterial hypertension.

### Мавзуу долзарбилиги

**X**озирги кунда ЮҚТТ касалликлари дунё миқёсида энг кўп тарқалган бўлиб, ногиронлик ва ўлимнинг асосий сабаби эканлигича қолмоқда. Кўпчилик мутахассисларнинг фикрига кўра, бу муаммо яна бир неча ўн йиллар давомида шу тенденцияда давом этиши кутилоқда. Барча ўлим ҳолатларининг 31 % и ЮҚТТ касалликлари оқибатига келиб чиқади (Geneva: World Health Organization; 2017).

Сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдик, ревматологик касалликларда умр кўриш давомийлигининг етакчи сабаби атеросклеротик қон томир заарланишлари билан боғлиқ кардиоваскуляр асоратларdir. Кўп сонли тадқиқотларга кўра, ревматоидли артрит ва тизимли қизил югурук билан касалланган bemорларда атеросклерознинг кли-

ник белгилари пайдо бўлгунгача бўлган шакли умумий популацияга қарагандан анча кўп учрайди. Ушбу ҳолатлар ЮҚТТ ва атоиммун патологиянинг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш учун асос бўлади [1-3].

Бироқ, ТСД да етакчи ўринни томир патологияси эгаллайди. ЮҚТТ заарланиши ва у билан боғлиқ асоратларнинг механизmlари эса ҳали етарлича ўрганилмаган бўлиб қолмоқда. Шу билан биргаликда, амалга оширилган таҳдиллар бу патологиянинг қон томир заарланишидан ўлим хавфи юқори эканлигини кўрсатди. Ушбу маълумотлар ТСД да ЮҚТТ касалликларининг клиник хусусиятларини ўрганиш нечогли зарурлигини англатади [4-6].

Илмий тадқиқотнинг мақсади: ТСД да ЮҚТТ касалликларининг клиник кўринишларининг тарқалиши ва хусусиятларини ўрганиш ва прогнозлаш.

## Материал ва усуллар

Тадқиқот Бухоро вилоят қўп тармоқли тиббиёт марказининг ревматология бўлимида 2018 йилда даволанган 35 ёшдан - 60 ёшгача бўлган ТСД билан касалланган 55 нафар беморларда олиб борилди. ТСД ташхиси ACR (1980) ва ACR/EULAR (2010) мезонлари га асосланган ҳолда кўйилди. Беморлар клиник, капилляроскопик ва иммунологик маълумотлар натижалари асосида жорий диагностика мезонларига мувофиқ касалликнинг ташхиси тасдиқланганидан сўнг тадқиқот учун олинган. Кўпгина bemорларда (71,5%) ўртacha 10 йил давом этган ТСД нинг сурункали кечиши ҳолати мавжуд бўлиб, кузатувдагиларнинг асосий қисмida (64,2%) касаллик фаоллигининг иккичи босқичи кузатилди, биринчи босқичи bemорларнинг 13,7%, учинчи босқичи bemорларнинг 22,1% да учради.

Йирик илмий тадқиқотларнинг (SCORE, INTERHEART, Фременгейм) хуносасига кўра, ЮҚТТ касалликларидан юзага келадиган ўлим ҳолатларини камайтиришда энг аввало хавф омилларини коррекциялаш муҳим аҳамият касб этади.

ТСД билан bemорларда кардиовасқуляр коморбид ҳолатлар частотаси ўрганилиб, SCORE шкаласидан кардиовасқуляр ҳодисаларнинг келиб чиқиш ва ривожланиш хавфи даражаларини прогноз қилишда фойдаланилди. Бунда bemор ёши, жинси, зарарли одатлари (чекиш) ва систолик артериал босими инобатга олинди.

Шунингдек ЭКГ ва ЭхоКГ текширув амалиётлари ҳам олиб борилди.

## Натижা ва муҳокама

Назорат остидаги bemорларда ЮҚТТ ҳолати ўрганилганда субъектив белгиларнинг кўп эмаслиги эътиборни тортди. Текширилётган bemорларнинг аксарияти (61,9%) юракка алоқадор шикоятлар билан мурожаат қилмади. Аммо bemорлардан 21 нафарида (38%) майда қон томирларинг заарланиш белгиси бўлмиш Рейно синдроми мавжуд эди. Шу билан бирга, bemорларнинг катта қисмida (56,1%) мақсадли сўров ва объектив текширувлардан сўнг кардиовасқуляр касаллик белгилари аниқланди (1-жадвал).


1-Жадвал.

ТСД касалликларида ЮҚТТ алоқадор шикоятларнинг таркиби

ЮҚТТ алоқадор симптомлар	Мавжуд	%
Юрак соҳасида нохушлик	13	23,6%
Тўш ортида оғриқ	16	29,1%
Юрак ўйноғи	20	38,1%
Аритмия	8	14,5%
Ҳансираш	22	40%
Шиш	6	10,9%
Рангпарлик, цианоз	5	9,1%
Рейно синдроми	21	38%

ТСД касаллигига энг кўп учраб турадиган клиник белгилар жисмоний машқлар пайтида нафас қисилиши (ҳансираш) (40%), юрак ўйноғи (38,1%), тўш ортида оғриқ, (29,1%), юрак соҳасида нохушлик (23,6%), ва юракда тўхтаб ургандек ҳиснинг пайдобўлиши (14,5%).

Текширув остидаги bemорларда ЮҚТТ касалликлари хавфи SCORE шкаласи буйича тахлил қилинганда, юрак-қон томир хавфи паст бўлган bemорлар гурӯҳи 67,6%, ўртacha бўлган гурӯҳ 5,2 %, юқори бўлган гурӯҳ 9,4%, жуда юқори бўлган гурӯҳ эса 17,8 % ни ташкил этиши маълум бўлди (1-расм).



1-расм. ТСД билан касалланган bemорларда SCORE шкаласи текширувидан кейинги натижалар.




41 нафар (74,5%) беморларда ЭКГ кўрсаткичларини таҳлил қиласанда тури патологик ўзгаришлар кўзга ташланди. Булардан 36,6% беморларда қоринча ичи ўтказувчанинг бузилиши (кўпинча Гис тутамининг чап оёқчаси блокадаси), қоринча (14,6%) ва бўлмача (12,2%) экстрасистолиялари, шунингдек, чап қоринча миокардининг реполяризацияси (61%) бузилишлари мавжуд эди.

Суткалик ЭКГ кузатуvida 19 нафар беморда ST сегментнинг ишемик характерда ўзгариши кузатил-

ди, бу юрагида ЭКГ текширувда патологик белгилар аниқланган беморларнинг 46,3% ни ташкил этди. Кўпинча ЭКГ даги шунга ўхшаш ўзгаришлар касаллиги бўйича юқори фаоллик даражасига ва узоқ тарихга эга бўлган беморларда кузатилди.

Беморларнинг ярмидан кўпида эса (54,5%) ЭхоКГ текширувидаги чап қоринча гипертрофияси (ЧКГ) белгилари борлиги аниқланди (2-расм).




2-расм. ТСД билан касалланган беморларнинг ЭКГ ва ЭхоКГ текширувидаги патологик ўзгаришлар.

Изоҳ: ИККС-инфарктдан кейинги кардиосклероз, бЭС-бўлмачалар экстрасистолияси, қЭС-қоринчалар экстрасистолияси, ГТЧОБ-Гис тутамининг чап оёқчаси блокадаси, ЧКГ-чап қоринча гипертрофияси.

15 нафар беморда, яъни текширув остидагиларнинг 27,3%и ёки гурӯҳдаги юрак ишемик касаллиги клиник белгилари мавжуд бўлган беморларнинг 53,3%и анамнезида ўтқир қон томир ҳодисалари (миокард ин-

■ Олд тўсиқ соҳа МИ ■ Чўққи соҳа МИ  
■ Орқа-диафрагмал девор МИ ■ БМЎҚАБ



3-расм. ТСД билан касалланган беморларда макроваскуляр асоратларнинг таркиби (15 нафар бемор).

фаркти ва ўткир қон томир етишмовчилиги) бўлганлиги аниқланди. Олинган маълумотлар таҳлил қилинганда миокард инфаркти (МИ) касалликнинг бошланишидан ўртacha 10 йил муддатда ривожланганлиги маълум бўлди.

Кўп ҳолларда МИ локализацияси миокарднинг олд тўсик (7 нафар бемор) ва чўққи соҳаларига (6 нафар бемор) фақат битта bemорда чап қоринча орқа диафрагма деворига эканлиги аниқланди. Касалхонага қабул вақтида ушбу bemорларнинг барчаси NYUHA бўйича II функцонал синфиға мос келадиган сурункали юрак етишмовчилиги белгиларига эга эди.

Мазкур гурӯҳдаги bemорларнинг фақат 1 нафари (6,7%) анамнезида бош мияда ўткир қон айланиш бузилишини (БМЎҚАБ) бошидан кечирганлиги, шуннингдек парез ва нутқ бузилишлари каби қолдиқ белгилар сақланиб қолинганлиги аниқланди (3-расм).

Хуласа: Шундай қилиб, кўпгина ТСД билан оғриган bemорларда МИ ёки БМЎҚАБ билан асоратланган юрак ишемик касаллигининг мавжудлиги аниқланди. ТСД билан оғриган bemорларда SCORE шкаласи ёрдамида юрак-қон томир касалликлари хавфини аниқлаш прогностик аҳамиятга эгадир.

ТСД да кардиоваскуляр патологиянинг бундай сезиларсиз кечиши касалликдаги сүяк-бўгим, теримушак тизимлари ва ички органларнинг зарарланишини даволаш мақсадида фаол яллигланишга қарши ва аналгетик терапиянинг макроваскуляр клиник аломатларни ниқоблаб қўйиши билан ҳам боғлиқ бўли-

ши мумкин. ТСД даги ЮҚТТ касалликларини ўз вактида ташҳисламасликнинг яна бир сабаби шифокорлар томонидан мазкур касалликни асосан майдо қон томирлар заарланиши билан кечувчи касаллик деб ҳисоблаганларни ҳисобидан келиб чиқади.

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Алекперов Р.Т., Ананьева Л.П., Черкасова М.В. Клинические ассоциации сосудистого эндотелиального фактора роста и его рецептора 2-го типа при системной склеродермии // Науч.-практ. ревматол. - 2018; 6(0): 569-573.
2. Моисеев А.А., Утц С.Р. Современные методы диагностики ограниченной склеродермии // Сарат. науч.-медиц. журн. - 2016. 12(3): 481-484.
3. Саад Е.О., Ананьева Л.П., Новикова Д.С., Алекперов Р.Т. Традиционные факторы риска сердечно-сосудистых заболеваний при системной склеродермии и их связь структурными изменениями сердца // Науч.-практ. ревматол. - 2016; 54(6):687-692. <https://doi.org/10.14412/1995-4484-2016-687-692>
4. Синиченко О.Б., Егудина Е.Д., Микукстс В.Я. и др. Ангиопатия при системной склеродермии // Укр. ревм. журн. - 2017; 1(67). - <http://www.rheumatology.kiev.ua/article/9667/angiopatiya-pri-sistemnoj-sklerodermii>
5. Хрипунова А.А. Заболевания сердечно-сосудистой системы у пациентов с системной склеродермии // Совр. проб. наук. и образ. - 2012; 2.; URL: <http://www.science-education.ru/tu/article/view?id=5787> (дата обращения: 11.02.2020).
6. Чотчаева Ф.Р., Зыкова А.С., Новиков П.И., Моисеев С.В. Диагностика и лечение системной склеродермии // Клин. фармакол. и тер. - 2018; 27(1): 66-73.

Қабул қолинган сана 09.02. 2020